

На сегодняшний день становится очевидным, что из простой суммы «сложить» компетентного професионала невозможно, огромным чувством ответственности должен обладать педагог, обучая нынешнее поколение. Труд учителя напоминает труд чеканщика. Как у настоящего мастера нет одинаковых работ, так и у настоящего учителя не должно быть стремления сделать своих учеников одинаковыми. Следовательно, задача учителя заключается в том, чтобы учиться непрерывно. Анализируя приведённые выше определения, можно сделать вывод, что профессионально-личностная характеристика учителя определяет его готовность, способность выполнять профессионально-педагогические функции в соответствии с принятыми нормами и стандартами.

Библиографический список

1. Демакова И. Д. Мастерство учителя.-М. Просвещение,1989.
2. Талышев В. В. Профессиональная компетентность учителя. Управление школой. 2013. № 4

КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК АМАЛИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

К. М. Гулямов

*Педагогика фанлари номзоди, доцент,
Т. Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ
докторанти (DSc),
Тошкент, Ўзбекистон*

Summary. The presented scientific article is devoted to the problems of improving the system of preparing future teachers of applied art for professional activity on the basis of a competence approach.

Keywords: modern; higher education; pedagogical; future teacher of applied art; professional competence; competence approach; analysis; creative.

Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, жамиятда ўзига хос ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш йўлиниң танлаб олиниши, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ғоя ва талаблари асосида жаҳон таълим стандартларига мувофиқ келувчи узлуксиз таълим тизимини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратди. Таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати ижтимоий жамият тараққиётини таъминлайдиган устувор йўналиш сифатида эътироф этилди.

Жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб вазифалардан бири

сифатида белгиланмоқда. Хусусан, АҚШнинг Гарвард университетида ташкил этилган Career Services маркази томонидан иш берувчилар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра иштирокчиларнинг 74,8 % қисми малакали мутахассиснинг касбий компетентлигини белгиловчи муҳим мезон сифатида креативлик ва ностандарт тафаккур тарзи билан боғлиқ сифатларни белгилаган. Сингапурдаги Нанъян технология университети Бизнес мактабида хам айнан шунга ўхшаш сўровнома натижасида 62,5 % иш берувчилар томонидан битирувчининг креативлик сифатларини муҳим сифатлар қаторидаги учликка киритилган [2, б. 5].

Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий ва амалий санъатига кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонида муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари қўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим.

Бу анъанани муносиб тарзда давом эттириш юқори профессионал компетенцияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашни тақозо қиласди. Компетенциявий ёндашув рақобатбардош мутахассис, жумладан бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг энг самарали йўлларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мустақиллик йилларида замонавий талаблар асосида таълим сифатини ошириш, жумладан, амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини халқаро малака талаблар асосида ташкил этиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим соҳасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида бўлажак амалий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг илфор хорижий тажрибаларга асосланган миллий тизими яратилди. Шунингдек, амалий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишда касбий компетенцияларни шакллантиришга оид инновацион ёндашувдан фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Шунуктаи назардан бўлажак мутахассисларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш ҳолатини танқидий-таҳлилий ўрганиш, уларнинг ихтисослиларни соҳалари бўйича касбий компетентлигини таъминловчи омиллар, ёндашувларни тадқиқ қилиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усусларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилишни тақозо этади.

Мамлакатимизда шу заруриятга монанд тарзда хукумат қарорлари, бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Жумладан, 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий-педагогик кадрлар захирасини яратиш; педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш; таълим ва ўқитиши сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини

ошириш» [1] каби устувор вазифалар ижросини таъминлашда таълим олувчиларда яхлит ва тизимли интегратив билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш, уларнинг компетентлигини ривожлантириш ҳамда таълим натижаларини диагностик баҳолаш муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан бўлажак амалий санъат ўқитувчиларида ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетенцияларини ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

«Ўқитувчининг касбий ҳусусиятлари борасида тўхталганда шуни таъкидлаш жоизки, у энг аввало, ўз касбини дилдан севадиган, ўз ишига ижодий ёндашадиган шахс бўлмоғи талаб этилади. Бу шахсада янги билимлар ва илғор тажрибаларга чанқоқлик, муҳими унда ташкилотчилик, кузатувчанлик, қатъийлик ҳусусиятлари яққол сезилиб турсин. Амалий ва тасвирий санъат ўқитувчиси маҳсус билим ва малакалар билан қуролланмасдан ҳамда ўз соҳаси борасида юқори даражада компетенли бўлмай туриб муаллимлик қилиши мумкин эмас» [3].

Бугунги кунда амалий санъатдан сабоқ берадиган профессор-ўқитувчидан нафақат дарс жараёнининг сифат-самарадорлигини таъминлаш мақсадида илғор педагогик ва инновацион технологияларни кенг жорий этишни, балки инновацион ўқув-методик қўлланмаларни яратиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ қилишни талаб қиласди. Ўқитувчи дарс жараёнида таълим олувчиларнинг бир қолипга тушиб қолмаслиги учун илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш билан бирга, мультимедиали ишланмалардан самарали фойдаланган ҳолда ўқитишининг ўйинли шакллари ва медиатехнологияларини қўллаш имконини эгаллаганлиги билан ўзининг компетентлигини намоён қила олади. Таълим жараёнида медиатехнологиялардан фойдаланиш ўқитиши жараёнини қизиқарли олиб бориш, ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш имконини беради.

Компетентликнинг ўзи педагогда умумий дунёқарашнинг кенглиги ва маданиятнинг юқорилиги, педагогика-психология, бошқарув назарияси ва таълимни бошқаришнинг илмий асослари бўйича касбий билимларнинг мавжудлиги, ўз билимларини амалиётда ривожлантиришга лаёқат, ижтимоий ва психологик-педагогик тадқиқот методларини билиш, педагогик ва бошқарув кўникмаларининг зарурый мажмуасига эга бўлишни назарда тутади [4, б. 5].

Таълим амалиётida компетентли ёндашувни амалга ошириш ушбу жараённинг барча жиҳатларини илмий асосда ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни талаб этади. Таълим жараёнини компетентли ёндашувга йўналтиришга касбий таълимда методик шарт-шароитлар, янги педагогик технологияларнинг мазмуни ва қўллаш усусларини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

Бўлажак амалий санъат ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш муаммоси маълум даражада долзарб ва унинг изчил ўрганилиши таълим муасасаларида бўлажак ўқитувчилар касбий

компетентлигини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, омилларини аниқлашга имкон беради.

Библиографик рўйхат

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017 . – Б.39.
2. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. –Т.: ТДПУ, 2017. – 39 б.
3. Умуттаълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. – Т.: 1995. – 9 б.
4. Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари. – Т.: DELTA PRINT SERVIS, 2018. – 160 б.

ЁШ ГАНДБОЛЧИЛАРНИ АМПЛУА БЎЙИЧА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

R. A. Kosimova
M. Ibragimov

Dotsent,
magistrant,
Samarqand davlat universiteti,
Samarqand, O'zbekiston

Summary. In this article discusses the development of the physical qualities of young handball players in a position. Work was carried out to study the surface and the theoretical foundations of physical qualities were investigated.

Keywords: ampoules-are the physical qualities of young handball players.

Ҳозирги замонда жамиятнинг муҳим социал вазифаларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодни руҳий, маънавий ва жисмоний камолотга етказишидир. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг келажак авлодни соғлом қилиб тарбиялашдаги ўрнини ҳисобга олиб спорт ишларини янада такомиллаштириш, унинг замон талаблари даражасида ўқув ва моддий-техник базасини яратиш ҳамда аҳолининг спортга бўлган қизиқишини ошириш йўлида мақсадли давлат миқёсидаги тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда [1].

Бугунги кун гандболчиси баланд бўйли бўлиб, у ҳаракатчан, ўткир зеҳнли, тез фикрловчи, ўзгарувчан ўйин вазиятларига муносиб ҳаракат билан жавоб қайтариши ва икки тайм жамоада бир хил ўйин кўрсатиши лозимдир.

Ўрганилаётган мавзуни умумлаштириш усул ва турларини тўлалигича тушунишга, уларни тўғри таҳлил қилишга, таълим ва олинган